

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 4 март, № 43 (3588)

Жума

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

БИЗ ВА НАВРЎЗ

Биз неча минг йиллик Наврўзимизнинг кейинги 14-15 йиллик мақомига назар ташласак, тарихий жиҳатдан гоят ибратли, ниҳоятда ҳайратомуз манзарага дуч келамиз. Утган аср шўро мафқураси кўпгина қадриятларимиз қатори Наврўзни ҳам халқимиз анъаналари рўйхатидан ўчириб ташлагандан сўнг уни қайтадан тиклаш учун нечоғли жасорат керак бўлганлигини ҳис этамиз.

Тасаввур қилинг: узоқ вақт қоронғуликда қолган одам бирданги ёруғликка чиқса қандай ҳолга тушган бўларди? Албатта, унинг кўзи қамашиб, кўникиш учун анча вақт тарадудланиб қоларди.

Бизнинг «окланган» Наврўз билан дастлабки учрашувларимизни юқоридаги ҳолатга қиёсласак бўлади. Демакки, биз муайян йиллар давомида бу айём билан гўё қайта танишув маъракаларини ўтказдик. Бу жараён халқимиз учун ҳам, юртимизда истикомат қилаётган турли миллат вакиллари учун ҳам зарур эди. Айниса, анъаналаримиз ҳақида ҳали тўла тасаввурга эга бўлмаган ёшларимизга Наврўзни янада батафсилроқ таништириш лозим эди. Мамлакатимиз Президентининг шахсан иштироки ва раҳнамолигида бири-биридан гўзал, бетақорор Наврўз тантаналари ташкил этилди. Байрам бошланиб кетди!

Хотирамизнинг сўниқ қатламларида мудраб ётган Наврўзга бўлган меросий меҳримиз, даярли унутилаёзган кўникмаларимиз изчил бир равишда қайтадан уйғона бошлади. Шоирларимиз Наврўз ҳақида беҳадик, мўл-мўл шеърлар ёза бошладилар. Санъаткор, бастакорлар эсимиздан чиқиб кетган халқ кўшиқлари-ю, ялла-лапарларни ахтаришга киришиб кетдилар. Бобо ва момоларимиз ҳам даврага тушиб, аскиячилар катта сахналарга бел боғлаб чиқа бошладилар.

Буларнинг барчаси юксак маданият кўзгуси, улкан санъат дорилфунуни, беқиёс маънавият мактаби эди. Биз шу аснода катта таърибга ҳам тўпладик.

Наврўз гарчи сиебатдан холи байрам сифатида кўзга ташланса-да, унинг мустақиллик йилларимиздагина қайтадан юзга чиқиши жуда муҳим ижтимоий-тарихий аҳамиятга молик эди. Бу тикланиш миллий қадриятларимиз қайтадан ўнғланаётганининг энг олий намунаси бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Улуғнор туманидаги Мингбулоқ агросаноат касб-хўнар коллежиди олти юзга яқин қишлоқ ёшлари бир неча йўналиш бўйича касб-хўнар ээламоқдалар. 150 ўринли ётоқхона, 100 ўринли оиҳона таъмирлаш ва таъриба устхоналарига эга ушбу даргоҳ яқинда янги замонавий техникалар билан бойитилди. Ҳозирда Япония гранти асосида келтирилган 1 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги техникалар амалиёт машғулотларида қўл келмоқда. Бугина эмас, яқинда педагог-муҳандис Исмомилжон Сойиббоев Кунчиқар мамлакатда малака ошириб қайтди. Энди у хорижда орттирган таърибасини ҳам амалиётга татбиқ этмоқда.

СУРАТДА: педагог-муҳандис Исмомилжон Сойиббоев машғулот ўтаётган пайт. Тожиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида халқаро террорчилик ва экстремизмнинг кўринишларига қарши курашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, аввало, чегарабўйи ҳудудларда барқарорлик ва оқсоишталликни таъминлашга доир чора-тадбирлар хусусида келишиб олдилар.

Савдо-иқтисодий муносабатлардаги фойдаланилмаётган улкан салоҳи-

ятни ишга солиш ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни жадал ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги асосий божхона тўсиқларини бартараф этиш, божхоналарга оид қоидаларни бирхиллаштириш ва божхона қонунчилигини уйғунлаштириш борасидаги масалаларни ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, иқтисодиёт соҳасида ва молия секто-

ридаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, мазкур соҳаларга оид қонунчиликни уйғунлаштириш йўллари муҳокама этилди. Давлат раҳбарлари икки мамлакат Бош вазирлари ўринбосарлари раислигида Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма ишчи гуруҳини тузиш ва уларга мазкур ишларни ташкил этишни топшириш тўғрисида келишиб олдилар.

(ЎЗА).

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислам Республикаси Президенти Первез Мушарраф 2005 йил 5-7 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасидаги музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Покистон муносабатларини ривожлантириш ва ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этидилар. Музокара яқунлари бўйича қатор икки томонлама битимлар имзоланади.

4 март — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган кун

БУЮК ИШЛАР ЭЪТИРОФИ

Ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ўзининг ер ости ва заминдаги табиий бойлиқлари, улкан шаҳар ва обод қишлоқлари билан ўз куч-қудратини, бўйбастини намойиш этишга интилади. Айрим мамлакатлар барча қувватини мавжуд ҳарбий салоҳиятида кўргани ҳолда, баъзилар иқтисодий-молиявий имкониятларини кўз-кўзлайди. Бироқ жамиятнинг, давлатнинг энг катта бойлиги, битмас-туганмас салоҳияти манбаи, таянчи ва суянчи унинг халқидир.



Халқи жисмонан ва маънан бақувват юртининг қудратига мўқобил куч бўлмайди. Истиқлол туфайли мазкур ҳаётий ҳақиқат давлатимиз раҳбари Ислам Каримов юритаётган сиебатнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Мустақил Ўзбекистон Конституциясида Инсон омилига катта эътибор қaratилган. Шу боис мамлакатимизда турли соҳалар бўйича олиб борилаётган

ислохотлар асосида инсон манфаатлари, унинг ҳавфсизлиги, фаровон турмуш тарзини таъминлашдек эзгу тушунчалар ўз ифодасини топмоқда. Юртбошимиз инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун, деган инсонпарварлик гоялари билан суғорилган гоят ҳаққоний шорни илгари сурди.

1993 йил 4 март куни мустақил давлатимиз тарихидаги илк юксак нишон — «Соғлом авлод

учун» орденининг таъсис этилиши буюк ишларга қодир баркамол авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсадларга хизмат қилиши билан ҳам муҳим ва аҳамиятлидир.

Мазкур нишонин илк бор топшириш маросимидаги сўзида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов бундай деган эди: «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимиз-

(Давоми 2-бетда).

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби аъзолари иштирокидаги кенгашида сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлигига оид масалалар юзасидан жойларда тадбирлар белгиланмоқда.

НАМАНГАН

Вилоят фаоллари йиғилишида таъкидландики, 2004 йилда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида муайян ютуқларга эришилди.

Бироқ, ўтган йили қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, капитал маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмади, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида муайян муаммолар йиғилиб қолган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, хориж инвестициясини жалб этиш ва маҳсулот экспорт қилиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

НАВОИЙ

Навоийдаги фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими Б.Рўзиев бошқарди.

Утган йили вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот — 7,6, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 8,6 фоиз кўпайди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада қатор камчиликларга йўл қўйилди. Бир қанча саноат корхоналари, фермер хўжаликлари белгиланган шартнома режаларини уқдалай олмади.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

(ЎЗА).

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА — ЯНГИ WEB-САЙТ

Жаҳон Интернет тармоғида мамлакатимизнинг интернет ҳамжамияти етакчи мутахассислари иштирокида ўзбек, рус ва инглиз тилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг янги версийаси очилди.

Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳам-жамиятига интеграциялашув йўлида фаол сиебат юритиб, иқтисодиёт, илм-фан, таълим соҳаси ва ахборот алмашиш борасида дунё халқлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқда. Юртимизнинг жадал ривожланаётган давлат сифатида жаҳон аро обрўси тобора юксалмоқда.

Интернет — глобал ахборот тизими — жаҳон ахборот узатиш воситаси ва ахборот тарқатишнинг энг янги механизмидир. Интернет тармоғида юртимизни ҳар томонлама кенг намойиш этиш, шак-шубҳасиз, жаҳон ҳам-жамиятига интеграциялашувнинг

муҳим омилларидандир. Жамиятимизнинг тезкор ахборот алмасув, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтиришга доир эҳтиёжи тобора ортиб бораётди.


Шуни алоҳида қайд этиш керакки, айни пайтда Ўзбекистонда глобал рақамли технологиялар, ахборот хизматларининг замонавий турлари, чунотчи Интернет орқали ахборот узатиш ва олиш имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур тармоқда миллий ахборот кўлами янада кўпаймоқда ва бу миллий иқтисодиётимизнинг юксалиши, мамлакатимизнинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграцияла-

шуви йўлида қўл келаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг аввалги версияси Интернет тармоғида уч йилдан ортқ вақт амал қилди. Унда давлатимиз раҳбарининг фармонлари, нутқлари, маърузалари, баёнотлари, жаҳон сиебати масалалари бўйича халқаро ва минтақавий анжуманлардаги чиқишлари (жумладан, аудио ва видео турлари), ўтказган матбуот анжуманлари ҳисоботлари, китобларининг электрон нусхалари, шунингдек, хорижий мамлакатларга ташрифлари тўғриси-

(Давоми 2-бетда).

МОДЕРНИЗАЦИЯ ТОМОН ЙИРИК ҚАДАМ



Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Қарор ўз олдига «аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш» мақсадини қўйган. Ушбу қарор, айтиш жоизки, мазкур соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш шубҳасиздир. Бироқ, бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Президент Қароридида кўзда тутилган мақсадларга эришиш катта меҳнат ва иқтисодий ресурслар талаб этади.

Коллаверса, нафақат республикамиз, балки жаҳоннинг кўплаб ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиёти учун ҳам нисбатан янги тизимни шакллантириш бевосита ундан манфаатдор аҳолининг бу борада етарли маълумотга эга бўлишига

боғлиқдир. Мазкур мақолада биз ипотека кредити тизими мукамаллаштириш учун нималарга эътибор бериш лозим, бу қарор оддий фуқароларга нима беради, ушбу тизимнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири қандай, деган саволларга ҳозиргача тўпланган хориж таърибаси ва иқтисодий билимлар асосида жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Ипотека нима?

«Банклар — мамлакат иқтисодиётининг қон айланиш тизимидир», деб ёзган эди инглиз иқтисодчиси Д.Силвер. Давлатнинг молия-кредит тизимини, айниса, Ўзбекистондаги сингари катта миқёсдаги иқтисодий ислохотлар давом этаётган шароитда банклар ҳал қилувчи ўрин тутди. Банкларнинг аҳамияти улар фаолиятининг универсаллигидандир. Банк пул сақланадиган мустаҳкам ва ҳавфсиз жой, молиявий муассаса ёки ташкилот, корхона, савдо муассасаси, воситачилик органи, кредит қорхонаси, ҳатто биржа агенти ҳам бўлиши мумкин. Ипотека тизимини

ривожлантиришда энг асосий юк айнан мамлакатнинг банк тизими зиммасига тушади.

Ипотека ўзи нима деган саволга келсак, у грекча «hypothek» деган сўздан олинган бўлиб, аксарият лугатларда «узоқ муддатли кредит олиш учун гаров сифатида қўйилган ер ёки бино» деб таъриф берилган. Замонавий иқтисодиётда ипотека кредити бирор ер ёки уй-жой сотиб олиш учун банкдан узоқ муддатли кредит олиш ва бунда ўша мулкни (ер ёки уй-жойни) гаровга қўйиш, айни пайтда кредит олган шахснинг бу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолганини кўзда тутди.

Жаҳон иқтисодиёти таърибасига назар солар эканмиз, ипотека кредити узоқ ривожланиш босқичларини босиб ўтганлигини кўраемиз. Манбаларда айтилишича, бу турдаги кредит ҳатто Қадимги Афинада ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бор. Замонавий иқтисодиётда ипотека ўтган асрнинг 30-йилларида пайдо бўлди. Нью-Йорк фонди биржасининг синиши оқибатида юзга келган дунё иқтисодий

инқирозидан кейин америкалик иқтисодчилар ўз ишидан айрилган миллионлаб ишчиларнинг турмуш даражасини сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини ушлаб туриш учун айнан шу йўлни туттишга мажбур бўлган эди. Илк бор 1938 йилда АҚШда давлат секторидидаги маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари бериш йўлга қўйилган. Аммо бу соҳа дастлаб у қадар ривож топмаган. Орадан ўттиз йил ўтганча — ипотека кредитлари тизими билан боғлиқ муносабатлар аста-секин шаклланиб, такомиллашгандан кейин у кенг оммалаша бошлади.

1978 йилда ипотека давлатдан хусусий секторга ҳам ўтди. АҚШда «Фэни Мэй», Буюк Британияда «Mortgage» («Мортгэйж» — гаров), Германияда «Grundschuld» («Грундшцльд» — ипотека) сингари тизимлар пайдо бўлди. Ҳозирга келиб жами уй-жой савдоларида ипотека тартибда амалга оширилган харидлар

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА НАВРЎ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган бир қатор байрамлар миллий ўз-лигимизни англаш жараёнини ниҳоятда тезлаштирди.

Наврў деганда биз мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, маҳалла гузар, қишлоғу овулларида намойиш бўладиган минг бир хил тадбирларни кўз олдимизга келтирадиган бўлди. Булар: юрт ободончилиги учун ҳашарлар уюштириш, янги боғ-роғлар бунёд этиш, қари-қартанлардан ха-

бар олиш каби савоб ишлар ёхуд миллий ўйинлар, мусобақалар ва ҳоказолар. Бу тадбирларнинг барчаси дастлабки қадамларимизда ташкилий ишларни кўпроқ тақозо этарди.

Наврў янги авлодларнинг ҳам, мамлакатимиздаги бошқа миллатларнинг ҳам шурига тамомила сингиб кетди. Биз энди гўё курашнинг барча усулларини обдон эгаллаган азамат полвонга айландик. Наврў деган сулув отимиз кенг майдонлар сари шай бўлиб турибди.

Албатта, Наврў дегани тўла маънода халқ сайилини англатади. Қадим-қадимдан бу маърақада ҳар бир хонадон, қимирлаган ҳар бир тирик жон қатнашган. Бу янги йилга — янги баҳорга етиб келишнинг шукронасидир. Бу яхши ниятлар ижобатининг дебочаси. Бу зкин-тикин байрами. Улғу бомиз Берунийнинг ёзишича, Наврў кунларида табиатдаги жами мавжудоту унсурларнинг ҳаётий қуввати янгиланар экан. Жумладан, одам боласининг танидаги қон ҳам тамомила тозарар экан. Демак, аждодларимиз Наврўни бежиз байрам қилмаганлар.

Модомики, Наврў халқ байрами экан, унда халқимиз анъаналарига хос турли шаклдаги халқона санъат етакчилик қилади. Турли манзилларда, турфа давраларда миллий ўйинлар, лапар ва кўшиқлар, фольклор ҳангомалари, дорбозлар маҳорати табиий бир йўсинда намойиш бўлади. Аския, қизилчилик, яллахонликлар ёхуд мушоира, байт-барак ва айтишувлар, бахши-шоирлар, оилавий санъат дасталарининг чиқишлари, болаларнинг турли ўйинлари бу шодиёналарга файз бағишлайди.

Наврў Бободехқон сиймоси билан бевосита боғлиқ тушунча. Юртимиз асосан деҳқончилик юрти экан, ерга уруғ қадардек ирим-сиримли манзара ушбу байрамга гоят даражада ярашади. Хатто сеҳр ва баян танаворлик бағишлайди. Ушбу байрам кунларида ҳар бир маҳаллаю қишлоқда анъанамизга кўра дастурхонлар безатилади, сумалак ва ҳалим тортилади, пиширликлар, ширинликлар тайёрланади, исмалоқ сомсалар пайдо бўлади. Бу байрам кунлари, жумладан, уста хунармандлар ўзлари яратган буюмларни, гулчилар эса нафис санъатларини намойиш қилишлари учун ҳам айна кулай кунлардир. Ушбу давраларда китоб расталари ҳам ўрин олса айна муддаодир.

Наврў чинакам халқ шодиёнаси. **У энди тўла маънода сайил каби ўтадиган бўлди.** Ахир Наврў халқимизнинг миллий донолиги, ҳеч кимга ўхшамайдиган фазилатлари тажассуми-ку.

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида истиқлол йилларида халқимиз босиб ўтаётган залворли йўллари таҳлил этар эканлар: **«Оллоҳ одамзотни шундай яратганки, ҳар бир инсон ўзига хос бир олам. Шу боис икки нафар инсон ҳеч қачон бир-бирига юз фоиз ўхшамайди»**, деган эдилар.

Дарҳақиқат бетимсол Наврўимиз умумбашари кадрлар уммонига бундан буюн ҳам тиник ва теран дарё бўлиб қўшилмади!

Яшадим қиш фасли узун тунда, Кўрдим ёруғлиқни тун қулоғида. Жоним, Сен ҳам эйди тараҳҳум айла, Сен ҳам табассум қил Наврў кунда!

Урганч шаҳрида «Германия агроакция»си лойиҳаси асосида уруғлик картошка етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари учун семинар-тренинг бўлиб ўтди.

«Германия агроакция»си фермерлар учун

Семинар «Германия агроакция»си ташкилоти ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакилиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинар иштирокчилари етук мутахассисларнинг уруғлик қорғоғида етиштириш агротехникасига доир маърузаларини тингладилар, тажриба алмашдилар.

Тадбирда бу йил вилоятда «Германия агроакция»си лойиҳаси доирасида қимматли озиқ-овқат маҳсулотини ҳисобланган мош етиштириш йўлга қўйилиши янгилик сифатида эътироф этилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БУЮК ИШЛАР ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётнинг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал тарбиялаш, камол кўриши, ота-онасига, Ватанига садоқатли қишлоқ этиб вояга етказишдан иборатдир. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилди, бу муҳим вазифа давлатимиз ва халқимизнинг доимий диққат-эътиборидир.

«Соғлом авлод учун» ордени I ва II даражадан иборат. Мазкур ордени билан юртдошларимиз оналик ва болалиқни муҳофаза қилишда, экологияни яхшилашда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни, ватанпарварлик ҳамда ўз Ватани — муқаддас Ўзбекистонга ҳар томонлама содиқлик ва ундан фахрлини олиш туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болалиқни таъминлаш учун муносиб моддий ва маънавий замин яратишда Ўзбекистон давлати ва халқи олдига жуда катта хизматлари учун муқофотландилар.

«Соғлом авлод учун» ордени билан юртдошларимиз қаторида оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шартит ва ахлоқий муҳитни таъминлашга алоҳида хизматлари сингган бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳам тақдирланиши мумкин.

Истиқлолнинг Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Қарияларни қадрлаш йили, Обод маҳалла йили, Меҳр ва муруват йили, деб эълон қилинган давраларда мазкур йўналишларда махсус дастурлар қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда. Шу йил-

лар мобайнида миллат генофондини асраб-авайлаш ва химоялашда ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда бор куч ва ғайратини аямаётган юртдошларимиздан бир қанчаси «Соғлом авлод учун» ордени соҳиб бўлди.

Сихат-саломатлик йилида тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлигини химоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтаришда шарофли вазифага янада катта эътибор қаратилмоқда. Давлат миқёсида амалга оширилаётган махсус дастур доирасида замонавий соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш, аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб-таъшиқ этиш борасида кенг қўлмали вазифалар амалга оширилади.

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастурини ҳаётимизга тўла таътиб этсак, миллатимиз, халқимиз янада яшарди, ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлади, ҳаётимиз бундан-да гўзаллашади. Болаларимизни боғчадан, мактаб партасида бошлаб халқимизга хос соғлом турмуш тарзига ўргатсак, улarga поклик, руҳий ва жисмоний баркамол сабогини берсак, соғлом авлодни тўғри тарбиялаган бўламиз. Зеро, Юртимизимиз ибораси билан айтганда, «Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир». «Соғлом авлод учун» ордени эса мана шундай эзгу амаллар йўлида фидокорона меҳнат қилаётган инсонларни рағбатлантиришда маънавий таянч, улар хизматининг амалий эътирофи вазифасини ўтамоқда.

Норал ОЧИЛОВ, ЎзА шаҳрхўливи.

Сиз қонунни биласизми?

Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича суди ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови аяқланди. Кўрик-танловда 4 минг нафардан зиёд ёш иштирок этди. Тадбирнинг сўнгги босқичи Зомин туманидаги тиббиёт коллежида бўлиб ўтди. Финалда қатнашган жамоалар «Оила кодекси», «Меҳнат кодекси», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунлар ва мазкурларга ўзаро беллашдилар.

Танловда Жиззах шаҳридаги Беруний номи 22-иқтисодий болалар гимназиясининг «Адолат» жамоаси ғолиб деб топилди.

Баҳриддин САТТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Иззат Саад раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Насриддин Нажимов билан учрашди.

МИСР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Томонлар бу борадаги ҳамкорлик мавжуд имкониятлар даражасида эътиборни ва уни ривожлантириш учун Ўзбекистон ва Мисрда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни юқори баҳоладилар. Хусусан, икки палатали парламент тизими шакллантирилгани бу борадаги улкан ютуқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Делегация аъзолари Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашди.

(Ў.А.).

Аждодлар меросига эътибор

Тасаввуф илмининг етук намояндаси, беназир шоир Суфий Оллоёр умрининг катта қисми Олтинсой туманидаги катта Вахшвор қишлоғида кечган эди.

Денов туманилик тадбиркор Раъшан Мирзаевнинг ташаббуси билан вилоят «Суфий Оллоёр» жамғармаси ташкил этилди. Асли касби шифокор бўлган Раъшан Мирзаев айна чоғда кўп тармоқли «Раъшан» хусусий даволаш шохобчасига раҳбарлик қилади. Жамғармани ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад — Катта Вахшвор қишлоғида Суфий Оллоёр мажмуасини, музей, намоҳона, меҳмонхона, ошхона ва бошқа зарур биноларни замон талабига мос ҳолда барпо этишдир. — дея ҳабар беради «Туркистон-пресс» мухбири Махмуд Абдулфайз.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА — ЯНГИ WEB-САЙТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

даги тўлиқ матнли, фото ва видео ахборотлар мунтазам бериб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг фаолияти тўғрисида ахборот бериш ва тарқатишни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтнинг янги версияси яратилди. Бу борада глобал рақамли технологияларнинг энг янги имкониятларидан кенг фойдаланилди. Матбуот хизмати Web-сайтнинг янги версияси (WWW.press-service.uz) ўзининг мазмундорлиги, ресурсларининг химояланганлиги, дизайни, кенг қамровлиги, навигация ва ахборот топиш қулайлиги билан Интернет тармоғининг замонавий талабларига мосдир. Web-сайт жаҳоннинг етакчи кидирув тизимларида (АҚШ, Европа, Осиё ва МДХ мамлакатлари) рўйхатга олинган ва бу дунёнинг барча мамлакатлари бўйлаб ушбу сайтдан кўп сонли фойдаланувчи-

ларга эга бўлиш имконини беради.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтнинг янги версияси тўққизта асосий бўлимдан иборат:

— ПРЕЗИДЕНТ бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг таржима ҳоли, Президент мақоми ҳақидаги материаллар тақдим этилган.

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрин олган.

— ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ бўлимида Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси тўғрисида батафсил ахборот ва тасвирлар берилган. Маъхияни аудио файлда тинглаш мумкин.

— ЯНГИЛИКЛАР бўлимида давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-сиёсий фаолияти ёритилган. Бўлимда фото материаллар ҳам жойлаштирилган.

— МАТБУОТ бўлимида Ўзбекистондаги халқаро, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жараёнлар

тўғрисидаги шарҳ ва мақолалар берилган.

— ХУЖЖАТЛАР бўлимида Президент томонидан имзоланган ҳужуқий ва расмий ҳужжатлар — фармонлар, қарорлар ва фармойишларнинг тўлиқ версиялари тақдим этилган.

— НУТҚЛАР бўлимида Президентнинг маърузалари, нутқлари, чиқишлари, интервью ва табриқлари жой олган. Бўлимдаги материалларга аудио ва видео материаллар ҳам илова қилинган. Шунингдек, мазкур бўлимда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз» — жаҳматини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзусидаги маърузаси матни ва унинг аудиоверсияси жойлаштирилган.

— ТАШРИФЛАР бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари ва Ўзбекистон Республикасига расмий шахсларнинг ташрифлари тўғрисида ахборотлар берилган. Бу



ахборотларга фото ва видео материаллар илова қилинган.

— КИТОБЛАР бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг китоблари ва асарлари (12 жилд) ўрин олган.

Мазкур Web-сайт глобал ахборот тизимининг инглиз-рус-ўзбек тилларидаги тармоғида давлатимиз раҳбарининг фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Интернет ресурсларининг нуфуз-

ли каталоги ҳисобланади. У Интернет тармоғидан фойдаланувчилар Ўзбекистоннинг салобатини, юртимизда изчилик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақида янада кенгрок маълумот олишида, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ҳамда амалий ҳамкорлик қўлини ўшишда муҳим омил бўлади.

(Ў.А.).

МОДЕРНИЗАЦИЯ ТОМОН ЙИРИК ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

улуши АҚШда 80 фоизга, Европанинг ривожланган давлатларида 60 фоизга етди. Бугунги кунда ипотека тизими Шарқий Европа мамлакатлари, хусусан, Польша, Чехия, Венгрияга, шунингдек, Жанубий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига шиддат билан кириб келмоқда. Кўплаб давлатларда йирик ипотека банклари тизими, кадастр хизматлари тармоғи шаклланди.

Ипотека бизга нима беради?

Бу саволга жавоб бериш учун аввало масалага макроекономик нуқтаи назардан қараш лозим. Иқтисодиётда давлат ўз зиммасидаги доимий вазифаларини ижро этиш учун имкони борича кўпроқ бюджетдан ташқари маблағларни топишга ҳаракат қилади. Бу дунёдаги барча мамлакатлар молия сиёсатида амал қиладиган асосий қоидалар. Иқтисодчиларнинг фикрича, ипотека энг аввало ана шу мақсадга хизмат қилиб, ҳамма «бош оғриғи» бўлиб қолган уй-жой масаласини енчишга ёрдам беради. Ипотека тизимида масаланинг нозик томони кредит учун қўйилган гаровга бориб тақаллади. Бу ерда кафолат қарз олувчига эмас, балки кредиторга, яъни банкка керак. Банклар эса кўп ҳолларда таваккалчиликка жазм этмайди. Худди шу вазиятда бу таваккалчиликни давлат ўз зиммасига олади. Хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бу борадаги давлат сиёсатини тўғри ташкил қилишга ва йўлга қўйишга

эришилса, ипотека тизими мамлакат иқтисодиёти учун ҳам, аҳоли турмуш шартити учун ҳам жуда катта фойда келтиради.

Аввало, мазкур соҳа уй-жой бозорини мунтазам таъминлаб турадиган ва унинг фаолиятида катта ўрин тутадиган, энг муҳими, ўз-ўзини молиялаштирадиган тизимга айланади. Иккинчидан, уй сотиб олиш учун халқнинг анча катта қисминида реал имконият пайдо бўлади ва аҳолининг тўлов қобилияти кескин ортади. Учинчидан, уй-жой бозоридида талаб қучайиши туйфайли минглаб янги қурилиш объектлари юзага келиб, иш ўринлари кўпаяди, қурилиш материаллари ва махсус техника воситалари ишлаб чиқариш, қурилиш хизмати кўрсатиш миқдори ва сифати яхшиланади, пировадидан, шу соҳа билан боғлиқ бошқа тармоқларнинг ривожига тезлашади.

Энг муҳими шундаки, ипотека кредитларининг асосий истемолчилари деярли барча ҳолларда фермерлар, оддий фуқаролар ҳамда кичик ва хусусий бизнес вакиллари бўлади. Халқаро иқтисодчиларнинг фикрича, реал ишлаб чиқариш секторига ипотека тизими берадиган самара миқёси миллионлаб тўғридан-тўғри хорижий инвестициядан кўлироқдир. Ипотека кредитлари уй (ёки ер) олиш истаги бўлган, аммо бунга қурби етмайдиган, барқарор даромадга эга фуқароларга ана шу хоҳишини давлат ресурслари ёрдамида амалга ошириш имконини берадиган ягона воситадир. Қолверса, у бир томондан соҳага ташқи инвестиция оқимини олиб кирувчи қучли омил бўлса, иккинчи томондан мегаполислар, яъни йирик шаҳарларнинг ву-

жудга келиши ва тараққий этишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ипотека тизимининг «Ўзбек» модели

Барчамизга маълумки, бундан 14 йил илгари Президент Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган мамлакат иқтисодиётининг ислоҳ қилиши мудолатида ипотека ўзгаришларни босқичма-босқич жорий этишни, бошқача қилиб айтганда, «ҳамма нарсани ўз пайтида амалга оширишни кўзда тутиди. Ўтган йилларга раэм солсак ҳам бу фикр ўз тасдиқини топади. Бизнингча, ипотека кредити тизимининг айнан бугун жорий этила бошлагани ҳам бежиз эмас. Хозирга келиб, давлатнинг энг керакли органлари шаклландилар, жаҳмат ҳаётини тўла қамраб оладиган ва ўзаро мутаносиблашадиган ишлаб чиқариш қўлини ташкил қилиш мумкин. Хамдўстлик мамлакатларининг баъзиларида ипотека кредитлари 1996-1997 йиллардаёқ амалга киритилган бўлса-да, ҳамон бир жойда депенсия турганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бу тизим мукамал ишлатиш учун мамлакат қучли ҳуқуқий ва институционал, ташкилий ва молиявий асос бўлиши лозим. Юқорида тилга олинган қарор ана

шундай пойдевор қўйиш имконини беради. Хусусан, унда республика Адлия вазирлигида мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда тегишли қонун ҳужжатлари (масалан, Ер кодекси, Уй-жой кодекси, «Банклар тўғрисида»ги Қонун ва бошқ.) қўшимча ва ўзгаришлар борасида тақдирлар тайёрлаш вазифаси юклатилди. Шунингдек, қарорда уч ой мuddат ичида «Ипотека ва уй-жой қурилишига ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Янги тизимни кенг омаллаштириш учун иқтисодиётдаги энг қучли ва таъсирли муассасалар (Иқтисодий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси кабилар) жалб қилиниб, иккита махсус орган таъсис этилди. Булар — «Узуйжойжамғарма-банк» ва «Замин» банки акциядорларининг ихтиёрий бирлашуви асосида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки ҳамда Ипотека кредитини беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасидир.

Келгусида ипотека кредити бериш тизими жадал ривожлана бошлагандан сўнг, у бошқа ривожланган давлатлар (масалан, АҚШ ёки Германия) сингари босқичма-босқич тижорат банклари, жамғарма банклар, ҳатто сўғурта компанияларига, бир сўз билан айтганда, хусусий секторга ўтиши, давлат эса фақат бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш сифатида фаолият кўрсата бошлайиши мумкин. Соҳага хориж тажрибасидан яна бир сингалган восита — ипотека қимматбаҳо қоғозлари таътиб қилиниши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Қарорда ипотека кредитларининг мudd-

дати энг камида 15 йил бўлиши лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Бу бошқа қўллаб-қувватлашдаги ўртача 5-8 йиллик мuddат билан солиштириб қараганда, фуқароларга берилаётган катта имтиёздир.


Шунингдек, Иқтисодий, Молия вазирликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда «Ипотека-банк» ва бошқа тижорат банклари маъсулчилигида янги кредит тизимига халқаро ва хорижий миллий молиявий институтларнинг узок мuddатли, имтиёзли кредитлари, грантлар ва инвестицияларини олиб кириш ҳам кўзда тутилган. Яна жон тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, юқорида тилга олинган Шарқий Европа давлатларида 1990-йилларнинг охирига келиб кредит бўйича фозиставкаларнинг 15 фоизга тўширилиши соҳага катта миқдордаги ташқи инвестиция кириб келишига сабаб бўлган эди. Таъкидлаш керакки, Президент Қароридида бу ставка **кўпи билан 5 фоиз** бўлиши лозимлиги қайд этилган. Бу эса ҳам фуқаролар манфаатига, ҳам инвесторларни жалб қилишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Ушбу Қарор ипотека кредити бериш тизимини шакллантиришига эмас, балки республиканинг бугун уй-жой бозорини ривожлантиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг бу қарори халқ турмуш шартитини яхшилаш ва умумий фаровонликка эришишни ўйлаб, айна қилиб, олдимизга қўйилган энг асосий мақсадлардан бири — мамлакат иқтисодиётининг модернизация қилиш йўлида қўйилган катта қадамдир.

Ботиржон ҒОФУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мактубларни саралаганда...

АДОЛАТГА ИШОНЧ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятимизни демократлаштириш, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш мақсадида олдимизда турган энг муҳим йўналиш, устувор вазибаларга алоҳида тўхталди. Эеро, буларнинг ҳаммаси таг заминиде адолат мезонининг ҳаққоний бўлиши, одамлар ўртасида, халқимиз орасида адолатга ишонч яратилишига эришиш лозимлиги ҳақидаги маъно-мазмун шундоққина сезилиб туради. Бундай мулоҳазани Юртбошимиз ўтган йили қатор вилоятларда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларда ҳам қайта-қайта ўқирди. Чунки, ҳақиқатан ҳам, одамлар ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, бироқ адолатсизликка тоқат қилолмайди. Бу фикр тахририятимизга келаятган кўпгина шикоят хатларида ҳам тақрорланаётгани бежиз эмас.

Бизнинг шарҳ:

Ўтган йили тахририятимизга 1700 дан ортиқ хат-хабар келди. Уларнинг аксарияти шикоят хатлари, арзномалар. Юздан ортиқ мактуб Тошкент шаҳридан йўлланган. Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган вилоятларидан юборилган хатлар ҳам кам эмас. Улар турли мазмунда. Фермер хўжалиқларини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятидаги нуқсонлар, қонун олдида барчанинг тенглигини сўзда эмас, амалда таъминлаш олмаётган айрим ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимлари, жойлардаги корхона, ташкилот, мактаб, олий ўқув юртлиари, ҳўжалик раҳбарларининг иш фаолиятидаги ноҳўя хатти-ҳаракатлардан норозилик, аҳолига коммунал хизмат қўрсатишдаги камчиликлар ва яна бир қанча мавзулар бу хатларда ўз аксини топган. Бундай шикоятларни ёзишга, ўзок манзиллардан Тошкентга атайин арзнома қўтариб келишга кишилари ундаган нарса эса ҳаёт қийинчиликлари ёки етишмовчиликлардан кўра, жойларда адолатсизлик, қонун бузилишига йўл қўйилаётгани сабабчи бўлаяпти...

Газета аралашгач...

Яши гап яхши-да. Бироқ тахририятимизга келган бир туркум расмий жавоблар ва аввал шикоят билан мурожаат қилган арзгўйларнинг қайта юборган мактубларига эътиборсиз бўлиш ҳам адолатдан эмас. Чунки уларнинг замирида одамларнинг бир-бирига меҳри, бир-бирининг дардини тушуниши, мушқулини осон қилишга интилиши ётганини англаш, демакки, ҳаётимиз, турмушимиз осуда, фаровон кетишига ҳисса қўшаётган юртдошларимизнинг хайрли ишларини сезиш қийин эмас.

Тахририятимизга ўтган йили Қўва туманидаги "Намуна" қиш-

лоқ фуқаролар йиғинида яшовчи И.Хошимов мурожаат қилган. У ўз мактубида шу ҳудудда қишлоқлар аҳолисининг сарсонгарчиликларига барҳам бериш мақсадида янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилишида амалий ёрдам беришни сўраган. Вилоят ҳокимлиги текширишга юборилган шикоят хатини жойида ўрганиб чиқиб, муаллиф тақлифини маъқулади. Бундан вилоят ҳокими ўринбосари М.Ходжаева имзоси билан келган жавоб расман тасдиқлайди. Уйчилик фуқаро С.Қирғизовнинг оилавий шароитини ҳисобга олиб, қўшимча ер майдонни сўраб ёзган шикоят хати ҳам, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Мамаджанов бизга йўлланган жавобда таъкидланганидек, ижобий ҳал бўлган. Аризачи талаби қондирилган.

Мурабат туманидаги А.Қодирий номили шикоят хатига адолатсизлик қилувчи О.Султонмуродова турмуш қурганига бир неча йил бўлган эса-да, фарзантисизликдан азобланаётгани, турмуш ўртоғи билан бамаслаҳат бола олмагани эканини, бироқ бу масалада унга ҳеч ким амалий ёрдам қўрсатмаётганини дарад билан ёзган эди. Кўп ўтмай туман ҳокими П.Жўраев имзоси билан бу масала ижобий ҳал этилгани ҳақида расмий жавоб олдик. Қонверт ичидан О.Султонмуродованинг хати ҳам чиқди. "Фарзандли бўлиш бахтига эришиш ҳар бир аёлнинг эзгу орузи. Шу бахтни менга ҳам ато этганлар, бола олиш қонун-қоидаларини ўргатганлардан беҳад мамнунман".

Бир оила, бир маҳалла, бир кишлоқнинг қувончи, хурсандчилиги қўлга тагиса, кўпга ёйилса, бу ҳаммамнинг ютуғи.

Ҳақиқат ошқораликни ёқтиради

Дилда дарди йўқ одам хат битиб, газетга юбормайди, шикоят хати ёзмайди. Бу кундек равшан. Шунга кўра, тахририятга келадиган ҳар бир шикоят хати беътибор қолдирилмайди. Мазмунига қараб ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга юборилади. Бирок...

Шахрисабз шаҳридаги ёғ-пишлоқ заводи ишчилари номидан Феруза Шодиева, Дилбар Турсунмуродовалар ўтган йил август ойида тахририятга шикоят хати билан мурожаат қилишди. Унда мазкур корхонада ишлаётган қизларнинг иш соатлари ўзайтирилса-да, ойлик маошлари камлигидаги норози эканликларини баён қилишган. Хат текшириш учун вилоят ҳокимлигига юборилди. Кўп ўтмай Қашқадарё вилояти ҳокимлиги қотибятти мудир К.Сирожевдан "Хатда келтирилган важларни ўрганиш бўйича Феруза ва Дилбар исми қизлар билан суҳбат ўтказилганида, улар бундай ариза ёзишмаганини айтишди. Бу ҳақда тушунириш хати ҳам беришди", мазмуниде расмий жавоб олдик.

Бундай ҳолат яна қайтарилди. Жумладан, Жарқўрган тумани, "Сурхон" шикоят хатига 2-бўлимда яшовчи М.Абраев тахририятга тумандаги ОРС-9 ташкилотидеги айрим нохуш ҳолатлар ҳақида шикоят хати йўлланган. Шу муносабат билан Сурхондарё вилояти прокурори ўринбосари Ж.Мамаджановдан келган расмий жавобда таъкидланганича, Абраев Музаффар исми-шарифи фуқаро "Сурхон" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда ҳамда мазкур туманда яшамайди.

Ромитанилик Н.Қодирова шикоят хатини қўриганида ҳам мазкур тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактаби 11-синфиде Нозима Қодирова исми ўқувчи ўқимаганлиги маълум бўлди. Бу ҳақда тахририятга расмий жавоб йўлланган Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи вази-раси бажарувчи Э.Ериев маълумот берган ва бу хат аноним ҳисобланганини таъкидлаган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида "Фуқаронинг фамилияси(исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар қўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар қўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва қўриб чиқилмайди" дейилади. Қонуннинг мазкур моддасида келтирилган ушбу сатрлар тахририятга шикоят хати йўллаётган, йўллайдиган фуқароларнинг назарларида, эътиборларида турса фойдадан холи бўлмасди. Негаки, ҳаётимизда учрайдиган муаммолар, камчилик, нуқсонларни ўзгаларнинг номидан иш қўриш билан бартараф этиб бўлмайди. Ҳақни қарор топтириши астойдил ниёт қилган одам ўзини панага олмади, ўзгаларни чағитмайди. Балки қонун-қоидаларга асосланган ҳолда, ошқора иш қўради. Зотан, ҳақиқат ошқораликни ёқтиради.

Ёлгоннинг умри қисқа

Аслида шундай бўлади. Одамлар тахририятга умид билан, илинжу ишонч билан бошимга тушган қўриқдан қутуларикиман, оянинг ёруғ ўн бешига етармикиман, менинг ҳам арз-додимни эшитадиган бормикан, деган ўйда хат ёзишди. Бундай шикоят хатлари текшириш ва чора қўриш учун мутасадди идораларга юбориларкан, тахририятдан кетадиган расмий ҳақда натижасини муаллифга ҳам маълум қилиш сўралади. Бир қараганда, оддий, қонуний тартиб. Кўп холларда "шикоятчи га ҳам жавоб юборилди", деган мазмундаги ижобий расмий жавоб газета тахририятига йўлланади, аризачи эса бундан беҳабар қолади. Орадан маълум вақт ўтиб, шикоятчи алам-аччик билан тахририятга кириб келади. Шунча вақт ўтса-да,

шикоятчига эътибор берилмаганидан хўноби ошади. Ана, энди кўриниб мулзамликни. Баъзи шикоятчилар вазиятни дарҳол англаб етишади, баъзиларга эса тахририятга келган расмий жавобни қўрсатиб ҳам ҳеч нарса ни тушунтиролмайсан киши. Жавоб йўлланган ташкилот, иш бажарувчининг масъулиятсизлиги, лоқайдлиги туфайли одамлар сарсон, ўртада дидихиралик.

Андижон туманилик Мингвой Аҳмедов олдида ҳам бироз мулзам бўлди. Боиси у ўтган йили тахририятимизга мактуб битиб, 2001 йили Б.Ходжибеков исми шакс билан қарз тўғрисида ўзаро шартнома имзоланганини, унга қўра қарз олувчи М.Аҳмедова унинг суммаси эвазига янги "ТИКО" автомашинасини бериш ёки унинг тижорат савдо дўконларида расман сотилдиган баҳосини ҳамда қўшимча харажатлар учун пул тўлаш мажбуриятини олгани, бироқ қануз ўша қарз тўланмай келаятганидан нолигани. Хат текшириш учун фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти судига юборилди. Кўп ўтмай вилоят судининг раиси А.Мадрохимовдан "Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти суди Сизнинг хатингизга асосан фуқаро Аҳмедов Мингвой аризасини ўрганиб чиқиб, аризачининг талаби ҳал бўлганлигини маълум қилади", деган жавоб хати келди. Бироқ шикоятчи тахририятга келиб ҳеч қандай расмий жавоб олмаганини, қолверса қарз масаласи қандай бўлса, шундайлигича турганлигини айтганда, очиги, кимга ишонганини — аризачи гами ёки бообури идорадан келган расмий жавобгами, билмай қолдик.

Шунга ўқшаш ҳолатлар бот-бот қайтарилаётгани бизни ташвишлантиради. Ниятимиз тахририятимизга келаятган хат-хабарлар ҳамма соҳада адолат тانتанасининг ифодаси бўлса...


Умиде ФАЙЗИЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

«Биз уйингизга шошиляпмиз»

Ҳозир Урганч шаҳри аҳолиси бундай умидли сўзларни оила докторларидан бот-бот эшитадиган бўлиши. Гап шундаки, Саломатлик йилида Урганчда 40 нафардан ортиқ оила докторлари иш бошлади. Улар жадвал асосида хонадонларга ташриф буюрмоқдалар.

Оила докторлари 1-ТошДавТининг Урганч филиали қошидаги врачларни тайёрлаш марказида оила тиббиётига доир билим ва тахрибаларини оширдилар.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Жомбой туманидаги "Қўрсаломон" фермер хўжалиги аъзоларининг сидқидилдан қилган меҳнатлари туфайли хўжаликнинг иқтисодий аҳволи йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 55 центнердан галла, 22 центнердан пахта хирмони уйди.

Ҳозирда фермер хўжалигида 38 гектар ердаи галла сифатли парваришланаяпти. Шунингдек, 22 гектар майдонда чигит экши ишларига тайёргарлик ишлари қизғин кечмоқда.

СУРАТДА: "Қўрсаломон" фермер хўжалиги бошлиғи Аблаёр Ҳамроев галлазорда.

Нурмат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Азиз арздорлар!

Сиз ўз қимматбаҳо бойликларингизни, махфий ҳужжатлар ва ноёб буюмларингизни кафолатли сақланишини хоҳлайсизми?

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРДАН БИРИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

Сизларга янги ва қулай хизмат тури бўлган «БАНК ДЕПОЗИТАР КАТАКЧАЛАРИ»дан фойдаланишни таклиф этади!

Депозитар каткакчалардан фойдаланганлик учун уларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда бир ойга 900 сўмдан 2300 сўмгача миқдорда хизмат ҳақи олинади. «Пахта банк» сизга қимматбаҳо буюмларингизни ишончли сақланишига ва сир тутилишига кафолат беради!

«Пахта Банк»га ташириб буюринг ва депозитар каткакчаларидан фойдаланинг!

«ПАХТА БАНК» — ҚАРОВОНЛИКНИНГ ҚАЛИМЧИДИ!

Кўшимча маълумот учун телефонлар: (8-371) 173-25-33, (8-3712) 78-35-39.

KLPT ИМТИХОНИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН

Korean Language Proficiency Test

Имтихон куни — 2005 йил 24 апрель.
 Ҳужжат қабул қилишнинг бошланиши — 2005 йил 24 февраль.
 Ҳужжат қабул қилишнинг охири куни — 2005 йил 25 март.
 Ҳужжат қабул қилиш жойи — «FAN KLPT» МЧЖ ўқув маркази.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон: 41-45-80. Манзил: Ўзбекистон, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Зулфияноним к., 3-уй, «FAN KLPT» ўқув маркази.

Корея Республикаси олий ўқув юртлиарида корейс тилини ўрганиш учун ҳамда алоҳида шартнома асосида Кореяга ишга борувчилар учун.

http://www.klpt.com

KLPT сертификати ҳақиқийдир. Хизматлар лицензияланган.

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган **АВТОМОБИЛЛАР** ва **ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИК** техникаларининг филдиракларини таклиф қилади.

Пул ўтказиш йўли билан Галла ва пахтанинг 232 10, 23220

траншларини ҳам қабул қилади

Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кў., 26
 Тел./факс: 77 1451, тел.: 79 9468
 103 7234, 334 6421.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТўШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.

Телефон 134-48-11.

Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли **ТРАНСЛИН** қопламаси.

Товар сертификатланган

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.

9.00 дан 18.00 гача
 136-09-25
 132-10-63
 242-хона
 E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

O'ZLOTTO KUNDALIK

тушган рақамлар	21.02.05	22.02.05	23.02.05	24.02.05	25.02.05	26.02.05
кўтма-кўт тўғри топишган сонлар миқдори	210205	220205	230205	240205	250205	260205
Ютуқ (сўм)	200 000	2 000	200	100	125	1513
Ютуқли ставкалар сони	2	125	1 513	3 789	66	983
0	3	2	3	2	2	2
1	0	58	982	2 311	42	57
2	0	859	838	2 736	0	1
3	0	3 102	2 530	3 101	0	0
4	0	0	0	0	0	0

* биринчи ёки тўртинчи устунлардаги тўғри топишган сонлар

21-тиражнинг ХИСОБОТИ O'ZLOTTO 6/30

Тушган шарлар номери кетма-кўтлиги: 24 25 18 12 13 10

Тушган шарлар номери кетма-кўтлиги: 8 18 9 11 2 17


Уйналган ютуқлари: Ютуқ фонди (сўм) 22 266 826+; Ютуқлар сони 0; Бир ставка ютуғи (сўм) 0

Уйналган ютуқлари: Ютуқ фонди (сўм) 152 353 160+; Ютуқлар сони 0; Бир ставка ютуғи (сўм) 0

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди (сўм)	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи (сўм)
6та тўғри топишган сон учун	22 266 826+ Matiz	0	0
5та тўғри топишган сон учун	301 689	7	43 098
4та тўғри топишган сон учун	452 534	357	1 267
3та тўғри топишган сон учун	754 224	3 447	218

Лотереянинг кейинги тиражи 2005 йил 2 март куни ўтказилди. Лицензия №000001

Лотереянинг кейинги тиражи 2005 йил 2 март куни ўтказилди. Тошкент ш. Навобек вули к., 24. Тел.: 136-70-89.



Футбол

Саноқли кунлардан сўнг миллионлаб футбол ишқибозлари ҳаяжон билан кутган мамлакат 14-миллият чемпиони бошланади. Хўш, бу йилги мавсумда чемпионатда ўзгаришлар бўладими, ўйинларга жамоалар қандай тайёргарлик кўрди? Ўзбекистон Футбол федерацияси мусобақаларни ўтказиш ва терма жамоалар билан ишлаш бўлими бошлиги Алишер Никимбоев билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

ЎН ТЎРТТИНЧИ ЖАМОА ҲАЛИ НОМАЪЛУМ

— Янги мавсум ўйинлари 19 март куни бошланади. Мусобақалар тартибда деярли ўзгариш бўлмайди. Утган йилгидек, олий лигада ўн тўртта жамоа иштирок этади. Хозирча шу жамоаларнинг ўн учтасининг номи маълум. Фақат «Сурхон» жамоаси олий лига ўйинларидан четлатилди. Сабоби, клубнинг молиявий ахволи олий лига ўйинларида қатнашиш талабларига умуман жавоб бермайди. Ахвол ўнлашишига умид қилиб, жамоа раҳбарияти бир неча бор оғошланган, лекин барибир ўзгариш бўлмади. Шундан сўнг февраль ойининг охирида Ўзбекистон Футбол федерациясининг махсус комиссияси Термизда бўлиб, мавжуд ахвол билан яна бир бор танишиб чиқди. Текширишлар натижасида «Сурхон» жамоасида

ахвол биз ўйлагандан ҳам ачинарли эканлиги аён бўлди. Клуб молиявий инқироз ёқасига келиб қолган. Кўпдан буён маош ололмаётганлиги ҳақида олти нафар ўйинчидан федерацияга ариза ҳам тушган. Янги мавсумга тайёргарлик яхши олиб борилмаган, жамоа ўйинчилари деярли тарқаб кетган.

— Унда ўн тўрттинчи жамоа ўрнини ким эгаллайди?

— Федерациянинг махсус комиссияси ўтган мавсумда ўн уч ва ўн тўрттинчи ўринларни эгаллаб биринчи лигага тушиб кетган «Самарқанд — Динамо» ва «Андижон» жамоаларидаги шартнома билан танишиб чиқди. Самарқандликлар мавсумга январь ойида тайёргарликни бошлашган, тажрибали Баҳром Ҳакимов жамоага бош мураббий этиб тайинланган. «Андижон» жамоа-

сининг моддий базаси ёмон эмас. Лекин жамоанинг мавсумга тайёргарлигини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ўқув-тайёргарлик машғулоти бешланганига ҳали бир ҳафта ҳам бўлмаган. Айрим ўйинчилар жамоани тарқ этган. Шунга қарамай, иккала жамоа ўртасида 8 март куни учрашув ўтказилди. Ғолиб олий лигадаги ўн тўрттинчи жамоа ўрнини эгаллайди. Шу ўринда мухлислар учун яна бир янгиликни айтиб ўтсам. 2006 йилга бориб, олий лигада жамоалар сони ўн олтига тақсизлади. Биринчи лигадан иккита жамоа тўғридан-тўғри олий лигага йўлланма олади. Учтинчи-тўрттинчи ўринни эгаллаган жамоалар, олий лигада ўн уч ва ўн тўрттинчи ўринларни банд этган жамоалар билан ўттиш турнирида иштирок этади.

— Бошқа жамоа-

ларнинг мавсумга тайёргарлиги қай ҳолатда, стадионлари, ўқув базаси талабга жавоб берадими?

— Жамоаларнинг аксарияти, масалан, «Пахтакор», «Нефтчи», «Навбахор», «Насаф», «Машъал» ўқув-тайёргарлик машғулотларини хорижда ўтказишди. Деярли ҳаммасининг стадионлари, моддий базаси олий лига мусобақаларида қатнашиш талабига жавоб беради. Демак, бу борада муаммо бўлмайди.

— Барча мухлисларни миллият терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш учрашувидан Саудия Арабистони билан зўрға дурабга эришгани ўйлантириб қўйди. Мутахассислар бунга легионерларимиз учрашув бошлангичига атиги бир неча кун

қолганида етиб келганили ва ўртоқлик учрашувлари кам ўтказилганлиги сабаб дейишяпти. 25 март куни Кувейт билан бўладиган учрашувда бу муаммо қандай ҳал этилади? — ФИФАнинг янги Низомига кўра, терма жамоа футболчиси саралаш учрашувига тўрт кун қолганда жавоб берилади. Агар шуни ҳисобга оладиган бўлсак, асосий ҳужумчимиз Максим Шацких 20 март куни Украина чемпионатидаги «Динамо» — «Арсенал» учрашувидан иштирок этади. У шундан кейингина терма жамоа сафига қўшилиши мумкин. Яна бир неча футболчиларимизда ҳам шундай ҳолат кузатилиши кутилляпти. Нима бўлганда, олимпизга фақат галаба қозонишни мақсад қилиб қўйганмиз.

«Халқ сўзи» мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ суҳбатлашди.

Ҳурматли тадбиркорлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ

рақобатни ҳимоялаш мақсадида
маълум қилади:

Агар сизнинг иш фаолиятингизга монополист корхоналар ва муайян товар бозорида катта улушга эга бўлган корхоналар турли кўринишларда таъйиб ўтказса, уларнинг ўзаро келишувлари ва ноқонуний ҳаракатлари натижасида фаолиятингиз чекланса, улар билан шартномалар тузишда сунъий тўсиқларга дуч келсангиз, ўз навбатида давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда чеклашлар жорий қилсалар, шартномалар тузишда рақобатчиларингизга устунлик берсалар, уларга атайлаб имтиёзли шартно ва шартноларни берсалар, рақобатни чеклайдиган бошқа шунга ўхшаш ишларни амалга оширсалар, дарҳол Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун соғлом рақобат муҳитини яратиш ва уни ҳимоялаш — бош мақсадимиздир!

Биз сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қиламиз.

Мурожаат учун телефонлар: 139-83-41, 139-47-94.

Ҳалол рақобат муҳитида фаолият юритишингиз қонун билан кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси.

Кўмитанинг марказий идораси манзили: 700011, Тошкент ш., Навоий к., 18-А.
Тел.: +998 (71) 139-83-42, 139-83-88; факс: +998 (71) 139-83-42.
Электрон почта: devonhona@antimon.uz, www.antimon.uz

**Корхона чет эл автоматикаси билан
жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача
бўлган газ, электр ва кўмир билан
ишлайдиган сўв иситувчи қозонлар**

ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.

Телефонлар:
8 (371-71) 54-7911, 54-062,
8 (371) 100-93-05.

e-mail: harakat_2004@mail.ru

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT «ТАДБИРКОРБАНК»

«Ўзтадбиркорбанк»нинг миллий валютадаги пластик карточкалари сиз учун қулай тўлов хизмат туридир.

«Ўзтадбиркорбанк» миллий валюта — сўм пластик карточкаси эгалари учун қолдиқ суммага ҳар ойлик устама **1,5 фоиз**, йиллик капитализация ҳисобига **18 фоиз** устама даромад тўланишига кафолат беради.



Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини ҳам пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.

Пластик карточканинг маблағларни истаган вақтда республика бўйлаб ўрнатилган барча банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.

Бизнинг пластик карточкалар сизнинг хизматингизда!

Ўз имкониятингизни қўлдан бой бермай, «Ўзтадбиркорбанк» пластик карточкасига эга бўлинг!

Шунингдек, сиз ўз сармоянгни **1 ойдан 3 йилгача** бўлган муддатга жойлаштириб, **28-36 фоиз** даромад олиши имкониятига эга бўласиз.

Ушбу омонатлар сизнинг даромадингиз манбаидир.

Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Навоийлик аёллар биринчи тур ғолиби

Навоий шаҳридаги спорт саройида баскетбол бўйича аёллар олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон Миллий чемпионатининг I-тур ўйинлари ўтказилди. Унда Тошкент шаҳрининг учта жамоаси, Бухоронинг «Университет», Фарғонанинг «Нефтчи», Навоийнинг «Ника» жамоалари иштирок этишди.

Биринчи тур якунларига кўра ғолиблик мезонлар қўлга киритди. 2-ўрин эса Бухоронинг «Университет», 3-ўрин Тошкент Давлат техника университети жамоасига насиб этди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
«Туркистон-пресс».

T/ф.: 155-29-59, 136-01-54, 133-12-84
e-mail: gamma-elektro@yandex.ru

ЛАМПЫ

люминесцентные (ЛД 20, 40, 80)

ртутные высокого давления (ДРЛ)

стартеры 80 - 220

натриевые лампы высокого давления (ДНАТ)

металлогалогенные (ДРИ)

Предусмотрена гибкая система скидок

«Марказий Осие маданияти» халқаро газетаси жамоаси Шаҳрисабз консерва заводи раҳбари, газетанинг халқаро жамоатчилик кенгаши аъзоси

Неъмат Фабуллаев ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби, Давлат ва Беруний номидаги муқофотлар соҳиби, академик **Елдин Холматович ТУРАҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент Автомобиль ва йўллар қасб-хунар коллежи жамоаси Урганч Автомобиль ва йўллар қасб-хунар коллежи директори Этамберган Каримовга папери бузруквори **Раимберган КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биокимё институтини жамоаси, институт лаборатория мудири, академик **Елдин Холматович ТУРАҚУЛОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига тазия изҳор қилади.

Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси жамоаси, ижрочи директор, тиббиёт фанлари номзоди **Вячеслав Шомансурович ҚОРАБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур тазия билдиради.

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамағатис Марказий Кенгаши уруш ва меҳнат фахрийси **Елдин Холматович ТУРАҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди.
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар **Жамшед Тоған** ҳамда **Баҳодир Файзи**ев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қозондан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Г — Тижорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.20 12345